

**Холдор Вулкон**

**Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг аъзоси**




Ўзбекистон халк хофизи Шерали Жўраев хакида

**Сайтимиз пештокида Ўзбекистон халк хофизи Шерали Жўраев кўшиклари жамланган плеер бўларди.**

**Шу плеер эскириб, охири ишламай колди ва биз у плеерни сайтдан олиб ташлашга мажбур бўлдик.**

**Албатта ижтимоий тормокларда доимий ислохатлар ўтказилиб, дастурлар янгиланиб, такмил этиб борилади ва шу сабабли у ёки бу курилма янги программага мослаша олмай ишдан чикиши мумкин.**

**Ха, плеерлар, дастур ва лоихалар эскириши мумкин.**

**Аммо кўшикчилик санъати хеч качон эскирмайди.**

**Маъмуржон Узоков, Жўрахон Султонов, Комилжон Отаниёзов, Таваккал Кодиров, Ботир Зокиров, Фахриддин Умаров, Бобомурод Хамдамов, Шерали Жўраев, Ортик Отажонов, Олмахон Хайитова каби кўплаб санъаткорларнинг бебахо санъати шулар жумласидандир.**

**Бу сатрларни сайтимизга кириб, Шер аканинг кўшикларидан бахраманд**

**бўлган, ва плеер кайга, нега  йўколди экан, дея ўйлаётган мухлислардан узр сўраш маъносида ёзмокдамиз.**

**Абатта, элимизнинг севимли хофизи Шерали Жўраев кандайдир бир плеерга мухтож эмаслар.**

**Бу нарса жуда мухим эмас, лекин изох учун шу нарсани маълум килмокдамиз халос.**
**Мамлакатимизда олиб борилаётган бугунги одилона сиёсат шарофати билан элимиз севган хофиз Шерали Жўраев яна катта сахналарга кайтсалар ва бу санъаткорга "Ўзбекистон кахрамони" унвони берилса тарихий адолат карор топиб, халкимиз калби кувончларга тўлган бўларди.**

***Барча яхши, барча окил, барча доно, файласуф,***
***Кимтиниб бир чеккада юрган ёмонингман, Ватан.***

***Юртда Вулкон чўккидек бошим булутлардан баланд,***
***Ёв учун мангу ўтиб бўлмас довонингман, Ватан!***

**Хурмат билан, Холдор Вулкон.**

**25/03/2017.**
**Эрта билан 8:00.**
**Канада, Онтерио.**

